

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Сабирова Умида Фархадовна
кандидат социологических наук
(Candidate of sociology PhD)

Ижтимоий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Social Studies
Международный редакционный совет журнала Социальные исследования

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор,
Московский государственный университет
им. М.В. Ломоносова (РФ)
Рожанский Михаил Яковлевич
директор центра независимых социологических
исследований (РФ)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни.
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор
Шайхисламов Рафазель Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор,
Башкирский государственный университет
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент

Antonio Alonso Marcos
Ph.D, on International Relations (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор
Пермский государственный национальный
исследовательский университет (РФ)
Виктор Агаджаньян
профессор социологии университета
Аризона США

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Ганиева Маърифат Хабибовна
доктор социологических наук, профессор
Аликариев Нуриддин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор
Stephan E. Nikolov
PhD, Senior Research Fellow,
Institute of Sociology, Sofia
Пармонов Фарход Ярашевич
кандидат социологических наук, доцент

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор
Шэньсинского Педагогического Университета
(КНР).
Сухомлинова Марина Валерьевна
доктор социологических наук, профессор
Мичуринского государственного аграрного
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ")
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор,
Казахстанско-немецкий университет

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


| | |
|---|-----|
| 1. Каланов Комил “МУҚАДДАСЛИК” КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ..... | 4 |
| 2. Убайдуллаева Раиса СОЦИОЛОГИЯ В XXI ВЕКЕ: ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ..... | 17 |
| 3. Сейтов Азамат, Сабирова Умида СОЦИАЛИЗАЦИЯ СЕМЕЙ В СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРИОД РАЗВИТИЯ МАХАЛЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА..... | 27 |
| 4. Аликариева Аълохон СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ВЫСШЕЙ КВАЛИФИКАЦИИ..... | 35 |
| 5. Каримов Бобир МЕҲР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ..... | 47 |
| 6. Мадаминов Баходир ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ОММАВИЙ СПОРТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ..... | 55 |
| 7. Имомова Нозимахон ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРИ..... | 63 |
| 8. Мирзахмедов Хуршид ЁШЛАР ҲАЁТИДА НИЗОЛАРНИНГ СОЦИАЛ ОҚИБАТЛАРИ..... | 73 |
| 9. Узакова Зарина ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАНСФОРМАЦИИ ТЕРМИНА ИНВАЛИДНОСТЬ И МОЛОДЕЖНОГО ВОЗРАСТА..... | 81 |
| 10. Эрйигитова Лобар А.ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ТАЛҚИНИ (“ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИ МИСОЛИДА)..... | 89 |
| 11. Мўминов Зокиржон ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОИЙ АСОСИ ҲАМДА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ТУЗИЛМАСИ..... | 99 |
| 12. Амиров Азамат ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРДА “ТАРИХ ФАЛСАФАСИ”ГА БЎЛГАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР..... | 108 |

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Мадаминов Баходир Шарифжонович,
Наманган давлат университети доценти
e-mail: m.baxodir73@mail.ru

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ОММАВИЙ СПОРТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

For citation: MadaminovBoxodir, Place and role of public sport in public policy in youth. Journal of Social Studies. 2021, vol. 4, issue 1, pp.55-62

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-6>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, ёшларга оид давлат сиёсати, давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун яратилаётган имкониятлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, айрим мамлакатларда ёшлар сиёсатида асосий вазифа сифатида ёшлар ижтимоий муаммоларини олдини олиш ва бартараф қилиш белгиланган бўлса, баъзи мамлакатларда ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва таълим соҳасидаги имкониятларини оширишга кучли эътибор қаратилади. Қолаверса, кўпинча байрам тадбирлари, оммавий спорт ўйинлари, кўча (маҳаллий шароитимизда маҳалла) спорт мусобақалари ва бошқалар орқали гавдаланади. Спортнинг жамоат ҳаётида мавжудлиги ва муҳим рол ўйнаши жуда муҳим бўлиб, унинг аҳамияти катта сиёсат ва мафкуравий даражагача кўтарилди. Спорт, жисмоний тарбия сифатида муҳим ижтимоий ҳодиса саналиб, социологик тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий, маданий тарбия, ювенал ҳуқуқ, авлод, ватанпарварлик.

Мадаминов Баходир Шарифжонович,
доцент Наманганского государственного университета
e-mail: m.baxodir73@mail.ru

МЕСТО И РОЛЬ ОБЩЕСТВЕННОГО СПОРТА В ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье дается научный анализ государственной молодежной политики, возможностей, созданных в Республике Узбекистан для качественной социализации и эффективного самовыражения молодежи в интересах страны. Кроме того, дан международный опыт. Так, в некоторых странах основной задачей молодежной политики является предотвращение и устранение социальных проблем молодежи, в то время, как в некоторых других большое внимание уделяется увеличению социальных, политических, экономических и образовательных возможностей молодежи. Кроме того, молодежная политика отражается и

воплощается в праздничных мероприятиях, массовых спортивных играх, уличных (в местных условиях Узбекистана) спортивных соревнованиях и т.д. Существование спорта и его важная роль в общественной жизни стали настолько важными, что его значение поднялось до большого политического и идеологического уровня. Спорт считается важным социальным явлением, как физическое воспитание, и изучается как объект социологических исследований. **Ключевые слова:** образование, трудоустройство, здоровье, социальная защита, духовное, культурное воспитание, ювенальное право, поколение, патриотизм.

Madaminov Bahodir Sharifjonovich

Associate Professor of Namangan State University

e-mail: m.baxodir73@mail.ru

THE PLACE AND ROLE OF PUBLIC SPORTS IN STATE YOUTH POLICY

ANNOTATION

The article provides a scientific analysis of the state youth policy, the opportunities created by the state for free socialization and effective self-expression of youth in the interests of the country. In addition, in some countries, the main task of youth policy is to prevent and address social problems of young people, while in some countries great attention is paid to increasing the social, political, economic and educational opportunities of young people. In addition, it is often embodied in festive events, mass sports games, street (in our local conditions) sports competitions, etc. level. Sport is considered an important social phenomenon, like physical education, and is studied as an object of sociological research.

Keywords: education, employment, health, social protection, spiritual, cultural education, juvenile law, generation, patriotism.

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунга кўра, мамлакатимизда ёшлар деб, 14 ёшдан 30 ёшгача [1] бўлган фуқаролар тан олинади. Ёш авлодга жамият тараққиётини таъминловчи куч сифатида ёндашув турли мамлакатларда ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланишига шароит яратди. Бу жараёнда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти катта рол ўйнади. Ўтган XX асрнинг 60-80 йилларида БМТ томонидан ёшлар қатламига бўлган муносабатнинг янгича принципларини белгилаб берувчи бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. 1965 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг “Ёшлар ўртасида тинчлик ғоялари, миллатлараро ўзаро ҳурмат ва тушунишни тарғиб этиш тўғрисидаги Декларация” си эълон қилиниши билан ёшларнинг ижтимоий муаммолари ташкилот эътибор марказидаги вазифага айланди.

Ёшларга оид давлат сиёсати деганда, давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун мақбул шароит ва имконият яратиш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизими тушунилади. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати турли давлатларда ўз олдида қўйган вазифаларига кўра ҳам нисбатан фарқланади. Айрим мамлакатларда ёшлар сиёсатида асосий вазифа сифатида ёшлар ижтимоий муаммоларини олдини олиш ва бартараф қилиш белгиланган бўлса, баъзи мамлакатларда ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва таълим соҳасидаги имкониятларини оширишга кучли эътибор қаратилади.

Ёшларга оид давлат сиёсати объектлари:

- болалар, 18 ёшгачабўлганлар;
- ёшлар, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар;
- ёш оила, эр ёки хотиннинг бири (ёки иккаласи) 30 ёшга тўлмаган оилалар [2].

Ёшларга оид давлат сиёсатини юритиш структуравий жиҳатдан фарқ қилса-да, ақсарият мамлакатларнинг ёшлар сиёсатида умумийлик мавжуд. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

- таълим, касбга тайёрлаш ва бандлик;

- соғлиқни сақлаш;
- ижтимоий химоя;
- ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;
- маънавий-маърифий, маданий тарбия;
- ювенал ҳуқуқ;
- ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Қолаверса, А.И.Ковалева ва В.А.Лукованинг талқинига кўра, ёшлар сиёсати ўзида давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектларининг ёшларнинг ижтимоийлашуви ва камол топиши йўлида аниқ мақсадни кўзлаб фаолият юритишини жамлайди” [3, – Б.351]. Ёшларга оид сиёсат бугунги кунда камрови жиҳатидан ҳам уч босқични ташкил этади: халқаро, минтақавий, миллий даражада. Буларнинг ҳар бири бир бутунлилик ва комплекслилик нуқтаи назаридан, ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини таъминлайди.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг назарий-услубий жиҳатлари халқаро андозалар талаби даражасида шаклланган бўлиб, умумий тарзда: ёш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўймаслик; таълим олиш, ўз иқтидор ва имкониятларини намोён этиш ва амалга оширишига шароит яратиш; иқтидорли ва қобилиятли ёшлар билан ишлаш, истеъдодларни рағбатлантириш; манзилли ижтимоий ёрдам; ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб вазифаларни ўзида қамраб олган. Мазкур соҳада олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси мамлакатимиздаги барқарор ижтимоий ривожланишда ўз ифодасини топиб келмоқда.

Давлат ёш фуқаролар олдида уларнинг ижтимоийлашуви, ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши, келажакда жамиятда ўз ўрнини топиши борасида жавобгар ҳисобланади. Ёшлар эса ўз навбатида, кафолатланган қонунлар ижроси ва жамиятдаги ўз фаолияти бўйича давлат ҳамда жамият олдида жавоб беради. Ўзбекистон ўзига хос ижтимоий-демографик хусусиятлари билан ажралиб туриши, туғилиш, табиий ўсиш даражасининг юқорилиги, аҳолининг ёш таркиби ва бошқа омилар ривожланишининг прогрессив турини шакллантиради. Ижтимоий демографияда ёш даражаларининг қуйидаги кўрсаткичлар бўйича тахлили берилди: “гўдаклик” – туғилишдан 2 ёшгача, “илк болалик” – 2-4 ёшгача, “болаликнинг ўртаси” 5-7 ёш; “болаликнинг тугаши” – 8-12 ёш; “ўсмирлик даври” – 13-17 ёш; “ёшлик” – 18-22 ёш; “улғайиш” (баркамоллик) – 23-30 ёш; “ўтиш даври” – 30-35 ёш; “етуклик” – 35-50 ёш; “кексалик” (улуғворлик) – 51-65 ёш; “қарилик” (хаётий тажриба) – 65 ёшдан юқори [4, – Б.357]

Демографик жараёнларнинг хусусиятлари мамлакат ижтимоий соҳаси ва иқтисодий ривожланишини, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, маърифат ва бошқа соҳаларни мос равишда ташкил этишни талаб қилади.

Ўзбекистон – аҳоли сони жиҳатдан Марказий Осиёда энг юқори ўринда туради, МДХ давлатлари ичида аҳоли сони бўйича Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринни банд этмоқда [5]. Ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолашда икки хил ёндашув мавжуд.

Биринчисида, ёшларнинг умумий аҳволидан келиб чиқиб баҳо берилди, яъни:

- ёшлар саломатлиги даражаси билан;
- ёшларга берилаётган таълим даражаси билан;
- ёшларнинг даромадлари, ижтимоий таъминланганлик даражаси билан.

Иккинчи ёндашувда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида ёшларнинг иштироки даражасига эътибор қаратилади, яъни:

- ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси;
- ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этиш даражаси;
- ёшларнинг ишбилармонлик, ижодий, маданий ва спорт соҳаларидаги натижалари;
- ёшларнинг жамият ҳаётида ёшлар ташкилотлари доирасидаги иштироки [6].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда “соғлом турмуш тарзи”, “соғлом авлод”, “соғлом миллат”, “жисмоний ва ижтимоий-руҳий спорт” тушунчаларига алоҳида илмий

аниқлик киритилди. Ушбу жиҳатлар Ўзбекистонда юксак маънавиятли, маданий ва эстетик жиҳатларни ўзида тўлиқ жамлаган жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш омилларини шакллантирди.

Ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини ошириш каби ислохотлар натижасида жисмоний маданият ва спорт орқали ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими юзага келди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” [7] каби муҳим вазифалар белгиланган.

Бу борада жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли кенг қатламини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонларидаги ютуқларини тарғиб қилиш ва унинг кенг эътироф этилишига қаратилган ягона давлат сиёсати жараёнларининг социал прогнозини амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Сўнги пайтларда бутун дунёда спорт ва жисмоний тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. У кўпинча байрам тадбирлари, оммавий спорт ўйинлари, кўча (маҳаллий шароитимизда маҳалла) спорт мусобақалари ва бошқалар орқали гавдаланади. Спортнинг жамоат ҳаётида мавжудлиги ва муҳим рол ўйнаши жуда муҳим бўлиб, унинг аҳамияти катта сиёсат ва мафкуравий даражагача кўтарилди. Спорт, жисмоний тарбия сифатида муҳим ижтимоий ҳодиса саналиб, социологларнинг ҳам тадқиқот объектига айланиб улгурди. Спорт социологияси биринчи навбатда спортнинг ўзи, иккиламьяи жисмоний тарбияни соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида ўрганишни, шунинг асосида унинг тарбия технологиялари, ўқитиш усулларини такомиллаштиришни тавсия этадилар, унга нисбатан даврнинг ижтимоий ҳодисаси сифатида қарашни илгари сурадилар. Социология спорт орқали мураккаб ижтимоий тизимлар ва тузилмаларни тушуниш, ижтимоий дунё қай тарзда яшаши ва фаолият олиб боришини англаш имкониятини беради.

Ғарбда узоқ вақт давомида социология сиёсат, маданият билан шуғулланувчилар учунгина зарур, деган фикр мавжуд бўлган. Бироқ, ижтимоий дунё ўта мураккаб. У инқирозларга, низоларга, зиддиятларга тўла. Қай биримизга ўзаро бир-бирини тушуниш, яхши ният керак эмас? Низоларни ҳал этгандан кўра, унинг олдини олган афзал эмасми? Бунга эса фақатгина, атрофимиздаги дунёни илмий англашга эришганимиздагина, имконият туғилади. Айнан, социология ижтимоий дунёни, шахснинг ижтимоий муносабатларини англаш имконини берувчи фан ҳисобланади.

Ҳар бир муаммонинг муҳим қирраларини фан орқали намоён этиш барчага маълум. Бироқ 1930 йилда таниқли рус олими В.Вернадский томонидан илгари сурилган ўзига хос ғоя мавжуд: “биз энди фанга эмас, кўпинча, муаммоларга мутахассислашиб бормоқдамиз”. Замонавий жамиятнинг тараққий этиб бориши, соғлиқни сақлашдаги долзарб ижтимоий муаммога тўқнаш келмоқда. Нима учун социал муаммо? Негаки, инсоннинг соғлиғига бевосита жиддий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар, бугунги кунда оиладаги ташвишлар, спорт тизимидаги тартибсизликлар, иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги қонунларнинг палапартишлиги, жамиятдаги маънавий ҳамда маданий меъёрларнинг таназзулга учраши кабилар сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, сўнги йилларда ижтимоий ҳаётда миграцион вазиятнинг авж олиб кетиши, ахборот хуружларига дош бера олмаслик, ишсизлик каби омиллар ҳам социал касалликларни келтириб чиқармоқдаки, бундай вазиятларда клиник тиббиёт бирон бир натижага эришиш учун кўп ҳолатларда ожиз қолмоқда. Ривожланган ҳорижий мамлакатларда бу масаланинг моҳиятини чуқур англаб етган мутахассислар, XX асрнинг ўрталарига келиб спорт социологияси фанини алоҳида илмий йўналиш сифатида такомиллаштириш бошладилар.

«Спорт социологияси» бўйича ёзилган илмий мақола ва асарларда тиббиёт патологияси ва спорт социологияси услубларига доир муаммолар алоҳида ўрин тутадиган бўлди.

Натижада, микдорий жиҳатдан бу каби мақолаларнинг таркибини ошиб бориши спорт социологияси йўналишини аста-секин вужудга келиши учун имкон бера бошлади. Маълум вақт ўтгач, ушбу йўналишга оид социологик услубиёт, назария, гипотеза ва парадигмалар ўз-ўзидан шаклланди. Бу ҳолат ижтимоий шарт-шароитларни тиббиёт билан боғлаб таҳлил этишга чорловчи «Спорт социологияси» соҳасини вужудга келтирди.

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ХСТ) томонидан қабул қилинган Низомнинг тиббий жиҳатларига эътибор қаратиладиган бўлсак, соғлиқ – бу жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан соғлом турмуш тарзидир. Бунда, нафақат, бетоб ёки ногирон бўлиб қолиш, ҳаттоки, атроф-муҳитга нисбатан қайсидир даражада, носоғлом ҳолатни вужудга келишининг ўзи, тиббиёт билан социологияни ҳамкорликдаги илмий изланишларга ундашга сабаб бўлмоғи лозим. Негаки, инсонлар саломатлиги учун бу икки йўналишнинг маъсулияти бир хилдир.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳам бозор муносабатлари шароитида жамиятда юзага келган янги ижтимоий муаммолар олдида (демографик вазият, бандлик, иқтисодий танглик, бозор муносабатларига кўникманинг йўқлиги) вужудга келаётган социал касалликлар (юррак ва асаб касалликлари, камқонлик ва бошқалар) сабабларини изчил ўрганиш учун спорт социологияси фанини ривожлантиришга имкон беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жисмоний тарбия ва спорт бир-бирини тўлдирувчи, аммо, шунинг билан бирга мустақил ҳодисадир. Мутахассислар ушбу икки ҳодиса, яъни жисмоний маданият ва спортни ижтимоий ҳодиса сифатида биргаликда кўришни афзал кўришади. Аммо, бизнинг фикримизча, бу ҳолат бир кун келиб, уларни иккита алоҳида категория сифатида ўрганишни олдинга суриши мумкин. Чунки, жисмоний маданият доирасида ҳаракатланиш жисмоний маданият ва жисмоний саломатлик маданиятини катта спортдан ажратиб туради. Айниқса, сўнгги йилларда спортнинг йирик бизнес ва сиёсат домига тортиб юборилиши фикримизни маълум даражада исботлаши мумкин.

Спорт инсон ва инсоният томонидан “тана энергияси” ҳаракати маданиятини ривожлантириш, тарқатиш ва ривожлантириш учун пайдо бўлган ижтимоий институтга айланди. Спорт табиат ҳодисалари ва инсон ўртасидаги кураш тушуниладиган рақобатга айланди. У, нафақат, тана ҳаракати, балки илмий асосланган мезонлар билан шакллантириладиган бўлди. Жисмоний меҳнат билан жисмоний тарбияни ўзаро қиёсласа, тана шакли меҳнат жараёнида спортдагидек, “бежирим” бўлмаслиги ҳаммага маълум.

Ўзбекистон шароитида спортнинг асосий тамойил ва масалаларини тадқиқ этиш учун “Спорт социологияси” фанини ривожлантириш муҳим омил саналади. Жамият ривожланишининг хозиргизамон босқичида инсонни тарбиялаш, унинг жисмоний сифатларини ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, иш қобилиятини ошириш, жамоаларда қулай руҳий муҳитни яратишнинг кўпқиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Спорт эса – бу маданиятдир. У шу сабабли ҳам, жисмоний маданият шаклида келади. Бунинг учун, маданият мавзусини социологик талқинига эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Маданиятга социологик нуқтаи назардан ёндашилса, илохий ёки метофизик босқичдаги дунёқараш ва ғоялар нотўғри бўлмаганлигини, улар бор-йўғи шу даврдаги вақт ва замон талабларига жавоб берган ва ўз жавоблари билан уларни (теологик даврни) қониктира олган фикр ҳолати эканлигини кўришимиз мумкин. Фикр ҳолати эса, таъкидлаб ўтганимиздек, “олдинга етакловчи (репрезентатив) маданият” натижасидан ўзга нарса эмас. Демак, бундай кўринишдаги ғоялар ва етакчилик хусусияти билан суғорилган маданият (“олдинга етакловчи маданият”) жамиятга, унинг аъзолари онгига, дунёқарашига таъсир кўрсата олар экан, табиийки, у ўз-ўзидан ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг асоси бўлиб қолади ва, ўз навбатида, ушбу жамият кишилари онгига қандай таъсир кўрсатса, худди шундай жавоб олади. “Нотўғри” маданият бўлмаганидек, маданиятдан келиб чиққан дунёқарашнинг ва ундан келиб чиққан ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг ҳам нотўғриси бўлмайди. “Олдинга етакловчи

(репрезентатив) маданият” билан суғорилган дунёқараш ва бу дунёқарашдан келиб чиққан ғоялар кишиларнинг ижтимоий хулқига таъсир кўрсатади.

Табиийки, жамиятда қатъий қарор топган қонун-қоидалар асосида тузилган ижтимоий тузум, ижтимоий институт ва ижтимоий фактлар айнан ана шу маданиятнинг хосиласи бўлади. Маданият ходисасига ва жамият тузилишига шу нуқтаи назардан қаралсагина, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб ўрганиш, бемаънилиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Маданий ёндашув ҳам, ижтимоий ёндашув ҳам аслида, бир жараёнга бўлган икки хил ёндашувдир, холос. Ижтимоий ҳаётни эмпирик таҳлил қилиб кўрсак, “ижтимоий қисм” ни “маданий қисм” дан умуман ажратиб бўлмайди. Улар бир-бирлари билан “ипсиз” боғлангандирлар.

Тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра – янги авлодни ижтимоий ҳаётга жалб этишдаги бир жараён бир вақтнинг ичида икки хил кўринишни акс эттиради. Биринчиси, одамлардаги ижтимоийлашув ва иккинчиси жамиятдаги ювентизация. Табиийки, биринчиси авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшса, иккинчиси ижтимоий тараққиётни янгилаш учун кенг жамоатчиликдаги ҳаракатнинг ўзига хос ижодкорлигини ифода этишга бўлган уринишни ифодалаб беради. Ижтимоийлашувда “жамият-саломатлик” жараёни намоён бўлса, ювентизацияда “ёшлар – жамият – саломатлик” ҳолати ифода этилади. Шу сабабли, ижтимоий муаммоларни ўрганаётганда, социологлар унга нисбатан ёш даврлар нигоҳи остида қарамасдан, балки социал ва тарихий ҳолат сифатида баҳолайди.

Саломатлик масаласига таъриф беришда, ундаги давр руҳи ёки демографик ҳолатлардан келиб чиқиб эмас, балки жамият учун хос бўлган ва унинг ёш кўрсаткичларини белгилаб берадиган сифатларга қараб баҳолаш муҳим саналади. Бу ҳолатда, албатта, саломатликнинг жамиятни бир қисми эканлигини эътироф этиш ва аҳолининг ўсиб бориш кўрсаткичидаги бир давр белгиси эканлигини унутмаслик, лозим бўлади.

Спортни гуманитарлаштириш спорт олувчиларда дунёни тўла тасаввур этиш, юксак маънавият, маданият ва жаҳон миқёсидаги тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида қайд этилган вазифаларни бажариш, фақат фан, техника ва технологиядагина эмас, балки табиатшунослик, фалсафа, этика ва эстетика, тарих, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, иқтисод, экология ва ҳ.к. ларга замонавий ютуқлар асосида давлат спорт стандартлари ишлаб чиқариш орқали кўзга тутилади. Ҳозирги замон мутахассиси кенг гуманитар билимга эга бўлиши лозим. Бу интеграцион ёки марказга интилувчи жараён бўлиб, унинг кечишида замонавий инсон турмуш тарзи дунёси глобал тус олмақда. Иккинчи томондан эса, миллий ва индивидуал ўз-ўзини англаш, миллатларнинг озод бўлиш жараёнларининг ўсиб бориши таъсирида алоҳида социумларнинг майдалашиши ва бўлиниб кетиши ҳамда ижтимоий ҳаёт субъектларининг ажралиши кузатилмоқда [8, – Б.143].

Жаҳон ҳамжамияти барча давлатлар бюджетида спорт юқори ўринда туриши керак, деган қарорга келди. Кўпгина ривожланган мамлакатларда спорт тараққиёти учун давлат томонидан ажратилаётган маблағ салмоқли ўринни эгаллайди. Ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу маблағ ўн баробар камроқни ташкил этади, ўртадаги номувофиқлик эса йилдан-йилга ортиб бораётир. Спорт шарофати билан ривожланган мамлакатлар ялпи миллий маҳсулотнинг 40% ортишига эришмоқда. Аслини олганда, экспертларнинг тан олишларича, спорт тараққиёти учун ажратиладиган салмоқли сармоялар ўзини оқлай оладиган соҳага пул сарфлашни англашишни таъкидлаш жоиз. АҚШ Президентларидан бири бу борада шундай деган эди: “Америкада кучли институтларнинг мавжудлиги Американинг бадавлат эканлигини англамайди, балки Америка унда кучли университетлар мавжудлиги туфайли бойлигини билдиради”. Оқ уйдаги илм-фан бўйича Кенгаш маърузасида таъкидланишича, “Америка жамиятининг фаровонлиги университетлардаги аҳволга бевосита боғлиқдир”.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, айнан ёшларга қаратилган спорт тизимига сармоя ажратиш ҳар доим ўзини оқлайди. Шунингдек, спорт масаласига эркакларга қараганда, кўпроқ ёш аёллар жалб этилиши зарур ҳисобланади. Ушбу фикр биринчи галда унча ҳаққоний эмасдек, туюлади. Аммо, гап шундаки, агар аёллар уй бекаси бўлиб, ҳеч қачон меҳнат

бозорига чикмаган тақдирда ҳам эркаклар эмас, айнан аёллар бола тарбиясида ҳал қилувчи ролни ўйнайди, бу эса мамлакат ривожланишининг асосий пойдевори ҳисобланади.

Ўқиш маълум бир мутахассисликни эгаллашга олиб келади, спорт эса метаквалификацияга, яъни янги илмларни излаш ва ўзлаштиришни енгиллаштирадиган билимлар тизимини яратишга изн беради. Америка фермерлари ўрта маълумот ҳамда фермада ишлаш тажрибасини берган нафақат юқори малака эгаси бўлишса-да, балки метаквалификацияга ҳам эга кишилар ҳисобланади, бу уларга кимга ва қачон, масалан, юристга, ветеринарга, таъминот бўйича маҳаллий агентга, университетнинг ўсимликлар патологияси факультети хизматчисига, улгуржи ҳаридорга, метеорологга, механикка маслаҳат билан мурожаат қилишлари борасидаги етарли билимларни бера олади.

Кўриниб турибдики, метаквалификация гарчи ўзининг шахсий тажрибасидан йироқда бўлса-да, шахснинг керакли маълумотларни қидириб топиши ва татбиқ этиши учун имкониятларни очиб берар экан. Маълумки, ҳар қандай жамият социал меъёрлар орқали бошқарилади ва тартибга солинади. Социал меъёрлар одамлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги “инсон-инсон” муносабатларини тартибга солувчи, умумий ҳулқ-атвор қондаси ҳисобланади. “Жамиятда инсон ва шахс фаолияти, ҳатти-ҳаракатлари ва ҳулқ-атворларини социал меъёрлар бошқаради. У жамият бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, шахс ёки социал гуруҳ ҳулқ-атворини муайян социал муҳитга мослаштирувчи қондалар мажмуи саналади” [9].

Спорт социал институт сифатида барча даражаларда, жумладан, мактаб ва олий ўқув юрти шароитида ўзини мураккаб кўп тармоқли тизим – ижтимоий ташкилот сифатида намоён қилади. Ўрта спорт даражасида у спорт вазирлиги, жойлардаги ҳудудий ва шаҳар бўлимлари, минглаб мактаблар, коллеж ва олий ўқув юртлари, миллионлаб ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар ва улар билан боғлиқ хизмат кўрсатиш мутахассисларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон шароитида спорт ва бошқарув ўртасидаги мутаносибликда яна қайси фанларни ўқитиш муҳим деб фикр юритиладиган бўлинса, ушбу мақоладан келиб чиқиб спорт социологияси ва социал педагогикага алоҳида эътибор қаратиш лозим, деган таклифни берамиз. Чунки, ҳозирги кунда аҳоли, хусусан, мутахассисларда оғир кечаётган масала бу – ўз соҳаси билан ташкилотга бўлган ижтимоийлашув жараёнининг оғир кечаётганлигидир.

Замонавий жамиятда спорт ва жисмоний маданият ижтимоий институт сифатида намоён бўлади ва у ўзида аҳоли қатламининг қатта қисмини қамраб олади. Жамият соғлом турмуш тарзини таъминлаш, бўш вақтни намоён этишда у таълим ва тарбиянинг бир қисми сифатида шаклланади. Шундай экан, жисмоний маданият ва спорт орқали миллий менталитет ва идентиклик хусусиятлари ўзининг мукамаллик омилларини белгилаб беради, унда аҳоли қатта қисми, хусусан ёшлар ижтимоий фаоллиги умумлашган миллий маданиятнинг яқдиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Сноски / Иқтибослар / References

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 20 ноябрь, 1991 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992 й. 2-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 20.11.1991 й; Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни. 07.01.2008.
3. Ковалева А.И., Луков В.А. Социология молодёжи: теоретические вопросы. - М.: Социум, 1999. -С.351
4. Абрамова Г.С. Возрастная психология. – М.: АП, 2011. – С. 357
5. ИА REGNUM: <http://www.regnum.ru/news/society/1490554.html>
6. Молодежь в условиях социально-экономических реформ. Материалы международной научно-практической конференции. Вып.1-2. научн. ред. В.Т.Лисовский. -СПб., 1995.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармон.
8. Баранов Е.Г. Нациология – источник конфликтов // Общественные науки и современность. 1994, №5. - С. 143.
9. Ғойибназаров Э., Маткаримова Ж. Социология. Ўқув қўлланма. – Т.: ТошТЙМИ, 2007. – 89 бет.

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000